



**Кейинги йилларда бандликнинг ноанъанавий шаклларидан бири ҳисобланган уй меҳнати (касанаачилик)нинг кўлами кенгайиб бормоқда. Бу - дунёнинг барча мамлакатларида хос тенденциядир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, агар 80-йилларда Америка, Ғарбий Европа, Австралия, Япония минтақаларида 15 миллион киши касанаачилик меҳнати билан шуғулланган бўлса, 90-йилларда уларнинг сони АКШда - 20 миллион, Японияда - 1 миллион, Хиндистонда - 2 миллион, Филиппинда - 500 миң кишини ташкил этди. Тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, бу кўрсаткичлар XXI аснинг бошида янада ўсиб бориши ва умумий ишчи кучининг 20-25 фоизи даражасида бўлиши кутилмоқда.**

Умумжаҳон миқёсида касанаачилик меҳнатидан фойдаланиш кенгайиб бораётганининг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, кескин рақобат муҳити яратилган бир шароитда маҳсулот танархини пасайтириш йўллари билан бу ишга яроқли аҳолининг касанаачилик меҳнатидан фойдаланишидир. Чунки, аксарият ҳолларда хорижда касанаачиларга ишдан ташқари вақтдаги иш учун устамалар тўланмайди, уларнинг электр қуввати, иситиш, телефон ва транспорт харажатлари тўла қопланмайди. Кўпинча касанаачилар ижтимоий тўловлардан ҳам маҳрумдирлар: яъни уларга меҳнатга лаёқатсизлик ва таътил учун тўловлар, пенсия устамалари, ишдан бўшаганда компенсациялар тўланмайди. Шу боис, иш берувчилар бундай арзон ишчи кучидан фойдаланишдан манфаатдор эканликлари табиийдир.

Лейкин, ишга ёллашнинг бу тури ўсиб бораётганининг объектив сабаблари ҳам мавжуд. Бандлик турлари ва шакллари ўзгаришига илмий-техник тараққиётнинг янги босқичи ўз таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг барча секторларидаги ишчи кучи қисқартирилишига ҳамда қисман, вақтинча бандлик, касанаачиликнинг ўсишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, санаторда тузилмавий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни янгилаш ва замо-

**...ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИ**

Касанаачилик меҳнати кўлами кенгайиб бориши касба уюшмалари олдига қатор муаммоларни ҳам қўймоқда. Касба уюшма аъзолари сони камайиб кетаётган бир пайтда касанаачилар истиқболда бу ўринларни тўлдирувчи қатлам сифатида қўрилмоқда. Энг асосийси, меҳнатқарларнинг айнан шу қатлами ижтимоий ҳимояга муҳтож эканликларини касба уюшмалари яхши тушунишди. Негаки, касанаачилар жамоа шартномалари ва

Демографик нуктаи-назардан касанаачилар орасида аёллар кўпчилиги ташкил этди. Чунки меҳнатнинг бу тури уй бекалари учун жуда қулайдир. Касанаачилар умумий сонига нисбатан аёллар Буюк Британияда - 70, Францияда - 84, Греция, Голландия, Германия ва Японияда - 90-95, Россияда - 86 фоизни ташкил этди. Касанаачиларнинг энг асосий муаммоси - улар иш ҳақи миқдорининг нисбатан пастлигидир. Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълумотларига кўра,

**КАМСИТИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК**

Бугунги кунда Республикада меҳнатнинг бу тури билан 40,7 миңдан кўп киши шуғулланмоқда. Албатта касанаачиларнинг ижтимоий муҳофазасини ва улар меҳнати ҳимоя қилинишини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашда камситишларга йўл қўймайлик масаласи ўз ечимини топиши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан эълон қилинган «1998 йил - Оила йили»

ган шахслар, ногирон ва узоқ мuddат касал бўлган оила аъзоларини парвариш қилиш билан банд шахсларга касанаачилик меҳнати билан шуғулланиш учун ишга ёллаш ҳуқуқи биринчи қалда берилди. Куйидаги иш турларини бажаришда касанаачилик меҳнатидан фойдаланиш тавсия этилади: кийим-кечак тиқиш, таъмирлаш, бичиш, гиламдўзилик, дурадгорлик, тўқимачилик, пойабзал тиқиш, сермеҳнат ёрдамчи жараёнлар (маҳсулотни навларга ажратиш, тозалаш, ўраш ва маркировка қилиш, радио ва телевизор деталларини ясаш, электр ва электрон бўюмлар қисмларини йиғиш, электротехник буюм (асбоблар) тайёрлаш, машинада ёзиш, ҳужжатларга ишлов бериш, ва бошқа ишлар.

Касанаачиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Низомга биноан ижтимоий қаролатлар борасида касанаачилар штардаги ходимлар билан баробар ҳуқуқларга эгадирлар. Биринчидан, касанаачиларга бериладиган меҳнат таътилининг давоми 15 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, уларни давлат ижтимоий сугуртаси тизими билан қамраб олиш иш берувчилар учун мажбурийдир. Фуқароларнинг касанаачилик меҳнати билан шуғулланган даври пенсия ва нафақалар тайинлаш учун умумий иш стажига қўшилиди.

Касанаачилар учун белгиланган шарт-шароитлар орасида энг муҳими шундан иборатки, Низомнинг 12- ва 32-бандларида кўра корхонанинг жамоа шартномасида белгиланган ҳуқуқ, мажбурият ва имтиёзларнинг барчаси касанаачилар учун ҳам тадбиқ этилиши шарт. Бундай ҳол касанаачилар ва штардаги ходимлар ҳуқуқи қамқоғани бир-бирига тенглаштирилади. Айтиш лозимки, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам касанаачиларга бу қадар имтиёзли шарт-шароитлар яратилмаган. Мустақил республикамизда эса касанаачилар учун жуда кенг ижтимоий ҳимоя яратилган.

Олдимизда касанаачилик меҳнатидан унумли фойдаланиш ва бу борада яратилган шарт-шароитлардан касанаачиларнинг тўла фойдаланишини таъминлаш, бу масалани тартибга солинишини қаттиқ назоратга олиш каби масъулиятли вазифалар турибди. Бу йўналишда Меҳнат вазирлиги ва Касба уюшмалари Федерацияси яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Лейкин бу борада олданда жуда катта ишлар турибди.

**А.АҚБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг биринчи ўринбосари.**

**Э.ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари.**

**Ноанъанавий бандлик шакллари**

**КАСАНААЧИЛИК**

**ортиқча ишчи кучларини ижтимоий меҳнатга жалб қилишнинг оқилона усули**

амалдаги меҳнат қонунчилигида белгиланган ижтимоий тўлов ва қаролатлар тизими билан қамраб олинмаган.

Шу боис, касанаачилар таркибини касбий ва демографик нуктаи-назардан таҳлил қилиш, уларга нисбатан тармоқ ва минтақалар миқёсидаги имтиёз ва қаролатларни қўллаш масаласини ўрганиб чиқиш катта аҳамият касб этмоқда.

Касанаачилик меҳнатидан фойдаланиш тикувчилик, қосибчилик, тўқимачилик, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Умуман олганда, бандлик муаммолари кескинлашув натижасида касанаачиликнинг аънаваний турлари (халқ унар-мандчилиги, уй-хўй хўзлар ва кийим-кечак ишлаб чиқариш) билан бир қаторда замонавий турлари ҳам юзага келди. Охирги пайтда радиоэлектроника, автомобилсозлик, ахборот тизимларида ҳам меҳнатнинг бу тури ривожланмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бир қатор бошқа мамлакатларда эса «электрон касанаачилик тармоғи» пайдо бўлиб, бунда ҳодимлар ўз шахсий компьютерлари олдига меҳнат қилдилар.

масалан Хиндистонда аёллар кийим-кечак ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касанаачилар энг кам миқдордаги иш ҳақининг ярмини олади. Буюк Британияда касанаачиларга корхонада ўрнатилган ўртача иш ҳақининг 25-45 фоизи, Голландия ва Бразилияда эса - учдан бири тўланади холос. Америка ва Европада нархи 15 долларга тенг бўлган болалар қўйлаги учун касанаачилар аёллар атиги 10 цент иш ҳақи олишади. Бундан ташқари, айтиб ўтганимиздек, касанаачиларга ҳар хил компенсация, устамалар ва қўшимчалар кўп ҳолларда тўланмайди.

Айтиш лозимки, касанаачилик меҳнатини тартибга солуви кўп мамлакатларда ҳали қабул қилинмаган. Масалан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан ўрганиб чиқилган 150 давлатнинг фақат 19 тасида бу тўғрида махсус қонунлар қабул қилинган, яна 17 давлатнинг меҳнат қонунчилигида касанаачиликка оид моддалар мавжуд.

Дастурида болалар тарбияси билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг, ногиронларнинг касанаачилик меҳнатидан ва меҳнат бозоридан рақобат қила олмайдиغان оила аъзолари меҳнатидан фойдаланишни тартибга солуви меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўзда тутилди.

Яқинда Меҳнат вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда «Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби ҳақида»ги Низом ишлаб чиқилиб, Ақлий вазирлигида рўйхатга олинди. Бу ҳужжатни тайёрлашда касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам иштирок этди.

Низомда «касанаачилик меҳнати» деб жисмоний шахслар томонидан иш берувчилар билан меҳнат шартномаси асосида ўзига қарашли ёки бошқа турар-жой ҳудудда бажариладиган барча ишлар тан олинган. Яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар касанаачилар тоифасига кирмайди.

Низомда белгиланишича, ёлғиз, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган ота-оналар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаган фуқаролар, қамқондан озод этил-

ган шахслар, ногирон ва узоқ мuddат касал бўлган оила аъзоларини парвариш қилиш билан банд шахсларга касанаачилик меҳнати билан шуғулланиш учун ишга ёллаш ҳуқуқи биринчи қалда берилди. Куйидаги иш турларини бажаришда касанаачилик меҳнатидан фойдаланиш тавсия этилади: кийим-кечак тиқиш, таъмирлаш, бичиш, гиламдўзилик, дурадгорлик, тўқимачилик, пойабзал тиқиш, сермеҳнат ёрдамчи жараёнлар (маҳсулотни навларга ажратиш, тозалаш, ўраш ва маркировка қилиш, радио ва телевизор деталларини ясаш, электр ва электрон бўюмлар қисмларини йиғиш, электротехник буюм (асбоблар) тайёрлаш, машинада ёзиш, ҳужжатларга ишлов бериш, ва бошқа ишлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш борасида Низомда белгиланишича, касанаачилар меҳнатига одатда ишбай ҳақ тўланади. Ишлаб чиқариш меъёри бажарилганда иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим.

Ишдан ташқари вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун қонунчиликда белгиланган оширилган миқдордаги тўловлар касанаачиларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Брак деб топилган маҳсулот учун Меҳнат кодексидан белгиланган жавобгарлик

**Меҳнат муҳофазаси**

Тошкент шаҳар махсус мебел ҳиссадорлик жамиятида мана етти илдириқ, ишлаб чиқаришда бирон марта бахтсиз воқеа юз бермади. Шундай дейиш мумкин бўлса, ишлаб чиқаришда бу жуда юқори кўрсаткич. Бунга эришиш учун жуда кўп ишлаш, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, технологияни такомиллаштириш, корхона олдидagi муаммоларни ечиш керак бўлади. Хозирги бозор муносабатлари шароитида бунинг ўзи бўлмайди.

Украина, Болтиқ бўйи мамлакатларидан шартномалар асосида олиб келишга тўғри келди. Ана шу ишларда корхона маъмурияти билан бирга касба уюшма кўмитаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги масалаларига жуда катта эътибор берди. Ишчи-хизматчилар соғлигини муҳофаза қилиш ҳар бир ечимнинг марказида турди.

Биз янги технологиялар ўрнатилган, мебелнинг асосий қисмларини ган шаклдаги деталлар, жимжамдор қисмлар, хуллас исталган шаклдаги мебел қисмларини тайёрлаб беради. Фақат бу ақлли машинага толпириқ берсангиз бас. Икки йил муқаддам эса мебел жим-жима қисмлари бир неча станокда, оғир кўл меҳнати билан тайёрланар эди. Унга эса озмунча вақт кетариди. Хозир эса бир неча дақиқада исталган шакл тайёр-да. Яна айтиш кераки илгариги ҳеч қайси дастгоҳда бундай мураккаб ишларни қилиб бўлмади. Умуман, корхонада тех-

риш йўлини тутдик. Шу билан бирга камчиликларда нисбатан мурасим бўлиб, уларнинг тузатилиши юзасидан ҳужжат туздик. Маълум мuddат ўтгач, текширдик. Унга яқин банд бўлса, деярли ҳаммаси бажариладиган эди. Ана шуниси диққатга сазоворки, маъмурият билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган битим ижроси доимо таъминланмоқда. Бу эса меҳнат муҳофазасида муҳим ҳужжатга эга. Ана шу ҳужжатга кўра бу йил иш кийимла-

**ҚАДР ТОПГАН ИШЧИЛАР**

Мазкур корхонани ўсиш, улғайиш даври республиканинг мустақиллик йилларига тўғри келди. Билимдон мутахассисларни ишга жалб этган корхона асосий эътиборни ишлаб чиқаришни, мавжуд техникани такомиллаштириш, янги техника ва технологияни татбиқ этиш ва ишлаб чиқаришни тез ривожлантиришга қаратди. Қийинчиликлардан қўрқмай, ҳамжихатлик билан ишлаш, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхона моддий базасини юксалтиришга олиб келди. Аста-секин давр талабига жавоб берадиган янги техникалар сотиб олинди, ишлаб чиқаришга киритилди бошлди.

Украина, Болтиқ бўйи мамлакатларидан шартномалар асосида олиб келишга тўғри келди. Ана шу ишларда корхона маъмурияти билан бирга касба уюшма кўмитаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги масалаларига жуда катта эътибор берди. Ишчи-хизматчилар соғлигини муҳофаза қилиш ҳар бир ечимнинг марказида турди.

Биз янги технологиялар ўрнатилган, мебелнинг асосий қисмларини ган шаклдаги деталлар, жимжамдор қисмлар, хуллас исталган шаклдаги мебел қисмларини тайёрлаб беради. Фақат бу ақлли машинага толпириқ берсангиз бас. Икки йил муқаддам эса мебел жим-жима қисмлари бир неча станокда, оғир кўл меҳнати билан тайёрланар эди. Унга эса озмунча вақт кетариди. Хозир эса бир неча дақиқада исталган шакл тайёр-да. Яна айтиш кераки илгариги ҳеч қайси дастгоҳда бундай мураккаб ишларни қилиб бўлмади. Умуман, корхонада тех-

риш йўлини тутдик. Шу билан бирга камчиликларда нисбатан мурасим бўлиб, уларнинг тузатилиши юзасидан ҳужжат туздик. Маълум мuddат ўтгач, текширдик. Унга яқин банд бўлса, деярли ҳаммаси бажариладиган эди. Ана шуниси диққатга сазоворки, маъмурият билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган битим ижроси доимо таъминланмоқда. Бу эса меҳнат муҳофазасида муҳим ҳужжатга эга. Ана шу ҳужжатга кўра бу йил иш кийимла-



Хосил етилган дехқонлар жонига қайта ишлаш корхоналари аро киради. Учкўприк туманидаги Учкўприк очиқ турдаги консерва ишлаб чиқариш жамияти туман дехқонлари билан ҳамкорликда иш юритади. Қайта ишловчилар бу йил дехқонлардан 11 миң 700 тоннадан ортиқ турли мева ва सबзотларни қабул қилиш ва қайта ишлашни режалаштирган ҳолда иш олиб бормоқда. Суратда: ўз қасбининг устаси Лолахон Мамажонов.

Бахтиёрнон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Италиянинг «Фравол» фирмасидан икки дастгоҳ, Словениядан эса иккита дастгоҳ, «Ровер 321» маркали дастур асосида ишлайдиган фрезер дастгоҳи ҳамда мебел бўлинмалари қирраларини турли шаклда кесиб, пардоз материалларини ёпиштириб берувчи «Евроматик» маркали линиялар сотиб олинди ишга туширилди.

Цехда кўз олдимизда мебелнинг қисмлари тайёрланиб унга махсус ускуналарда пардоз плёнкалари ёпиштирилмоқда. Илгарилари дўконларда Тошкентда ишлаб чиқарилган мебел деса харидорлар бир сесакни тушишарди. Сабаби бир-икки йил ўтмасдан бу пардоз плёнкалари дарахнинг пўстлогидек кўчиб тушиб, бечора холга келиб қоларди. Чунки, авваллари бу жараёнлар кўлда бажарилар ва пухта бўлмасди. Хозир жажон андозаларни дарахнинг етук технологияда ишловдан чиқмоқда ва сифати қаролатда.

Навбатдаги цехда мебелларга безак берувчи кичик қисмлар тайёрланар экан Бу ердаги тақомил техника мебел учун истал-

никани ривожлантириш, янги технологияни жорий этиш ва булар натижаси сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалаларига катта эътибор берилмоқда. Касба уюшма кўмитаси ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси комиссияси қатор тадбирлар тузиб, уларнинг ижросини таъминламоқда. Ҳар бир цехда касба уюшма кўмитасининг меҳнат хавфсизлиги бўйича вакили тайин этилган. Улар ҳар бир жараён ишидан хабардорлар ва олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоб бериб турадилар.

**Мухбиримиз бонг уради**

Бундан ўн бир ой муқаддам Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ширкатлар уюшмаси касба уюшма кўмитаси раиси ишдан бўшагач, хонасида қулф урилганди. Шушу бу ерда янги етакчига ёлчишмапти.

**КЕЛАВЕРАДИ, КЕТАВЕРАДИ, ВАЪДАСИ БОШҚА...**

Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ҳўжалигида сўнги икки йилда олти мартаба раис алмаштирилди

**Хисобингизда маблаг бўлмаса, бирор қишига ёрдам беролмасангиз, ишдан ҳам кўнглинг совиб кетаркан...**

«Маъмурият ва касба уюшма ташкилоти ўртасида меҳнат шартномаси имзоланганими?»

кадалмасдан қолиб кетаяпти. Шўра, ўт-улан босган юз гектарлар ер майдонларини шу ерда учратиш мумкин. Ҳатто ҳўжаликнинг битта ширкатидан эгаси йўқ 60 гектардан ошқир ер борлигига нима дейсиз? Бу майдонга на пахта, на галла экилган. Айни чоғда ҳўжаликда нафақат касба уюшма кўмитаси раиси, балки бош ҳосилот, бош иқтисодчи, бир неча ширкат раислари ўрни ҳам бўш турибди. Эндиликда мутахассисларни жой-жойига қўйиш, ишни намунали ташкил этишга янги раис Жуман Норжигитов ҳам ожизлик қилмоқда. Биз ҳўжаликда бўлганимизда раис касал экан. Одамлар, у ҳам қайти ишга чиқмаса керак, дейишяпти. Хуллас, раисларнинг, мутахассисларнинг «Тошкент»га меҳмон каби келиб кетишлари давом этмоқда. Бу ҳол қачонгача давом этади? Ҳўжаликдаги ўн миңгача яқин аҳоли, икки миң гектар ернинг бурсилдоқ ер эса бунинг жабрини чекалти. Бу оғир саводдан вилоят раҳбарлари нахотки беҳабар бўлишса?

«Тошкент»ни

қолоқликдан олиб чиқишнинг улдасидан чиқадиган мард халқ топиладигани йўқ. Утган икки йилда олти мартаба бошқарув раҳбари ўзгартирилди. Қарийб ҳар чоракда бир янги раис. Қўллари ҳўжалик билан атрофликча танишиб улгурмасданқоғой бўлишади. Бунинг оқибатида қўллаб майдонларга йиллаб уруғ

«Тошкент»ни

«Тошкент»ни

«Тошкент»ни

«Тошкент»ни





ни тўла «оклаш»га тиришилди. Хозир айтиш мумкинки, улар халқ душмани эмас. Шўролар душмани эдилар. Шўроларнинг асл мақсадларини англаб етган ва у билан мурося кил олмайди инсонлар эдилар. Бу борда айниқса Абдулхамид Чўлпон фаолияти аниқ далиллар.

**«Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам хўр тўғолгонсен...»**  
Бу сатрлар ва бу каби фикрлар замонда қанчалар ёш юракларни тўлқинлантирган экан?... Ватан хўрлиги учун курашган ундан-унда шундай сатрларни уқиш мумкин.

дан дарак беради. Кўргилки қаранг, уша кезлар орадан кўп ўтмай ёзувчи дўстларидан бирининг хоинлиги оқибатида Мирзақалон Исмоилий қамоққа олиналган. Қамоқда уша даврнинг танқиди зиелиларидан бири Вадуд Махмуд билан бир қаморада ўтирган эканлар. 1949 йилги қамоқ хужжатларида бу воқеа ҳам ақс этган. Вадуд Махмуд «Мен ўзим тожик бўлсам, қанақасига ўзбек миллатисини бўларканман» деб тухматчиларнинг мантиқсиз давёларида куйиб гапирган эканлар. Ёзувчи биринчи сафар қамоқда кўп ўтирмаганлар. Кейин уруш бошлангач, Сталин-

## ЎЗОД ИНСОН

Тоҳир МАЛИК

### Кўнма булбул, кўнма булбул дарахт

Кўпчилик маълумки, Мирзақалон Исмоилий 1949 йил 31 декабрда хибсага олиниб, Совет Иттифоқининг душмани сифатида 25 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эдилар. Тўрт йилу тўрт ой Қараганда кўмир конларида ишлаганлари, шу ахволда «Фаргона тоғ отгунча» номи романининг биринчи қитобини ёганларини ҳам кўпчилик билиши керак. Ун еттинчи йилдан бу ёнгисара зиёлилар «халқ душмани» деган тамга билан қамалган, отилган ҳам сир эмас. Кейинчилик улар оқлангач, «бу зотлар халқ душмани эмас эди» деб ёзувчилар кўп бўлди. Тўри, улар халққа душман эмас эдилар. Халқ учун, унинг озодлиги ва хўрлиги учун жон фидо қилмоққа тайёр инсон эдилар. Аммо шу ўринда бир масалага аниқлик киритиш лозим: вақтида халқ душмани тамгаси билан қамалган, отилган зиёлилар ҳақида сўз кетганда «советлар жамияти уларнинг жону-дили эди» деган гапга ўхшаш фикрлар ҳам айтилди. Бу билан улар-

този эдилар. Шўхрат шоҳ-супасидаги шоир ёш ижодкорни ўзига яқин олар эканлар. Тоғанин айтганларига қараганда, Чўлпон бир кун қишда учратиб қилиб, «Мирза, ёзувчилар уюшмасида «Кеча ва кундўз» романи муҳокама этилганда бор эдингизми?» деб сўрайдилар. Сўнг ёш ёзувчини уйларига бошлаб, романини ўқиб бериб фикр сўраган эканлар. Мирзақалон Исмоилий қамалишда доир хужжатларда унинг улуг шоир билан алоқалари алоҳида қайд этилган. Улуг шоирнинг «Миллат хор бўлди, миллатнинг тақдири энди на бўлар?» қабилидаги сўзлари ҳам келирипти.

Шўролар даври тарихи билан шўғуланувчи мутахассислар бу даврни сиёсий жиҳатдан силлиқ бўлган, деган фикрларидан узоқлашадилар керак. Чунки шўроларга қарши ёшларнинг ҳаракати мавжуд бўлган. Тўри, бу ҳаракат пинҳона бўлган, юксак кудрат касб этга олмаган. Мухими - шўроларга қарши фикр вулкон сингари куч тўлган.

Бу тақсирлотдан аввал яна бир жамият тақсирлот этилган. Жамият узоқ яшамаган, бироқ унинг юзига келгани ҳақидаги далилнинг ўзидек Ўзбекистонда уйғоқ қалблар мавжудлиги-

раддан Берлинга қадаб борганлар. Урушда тўрт йилу тўрт ой бўлганлар. Шундан сўнг ёзувчининг шўроларга қарши фикрлар мавжудлиги яна эсланган ва яна қамоққа олиналган. Қамоқдан чиққанларидан сўнг ҳам Вадуд Махмуд билан алоқаларини узмаганлар. Душанбеда яшовчи Вадуд Махмудга хаттоки «Фаргона тоғ отгунча» романининг қўлез-масини ўқитиб, фикр сўраганлар. Мени таажубга солувчи бошқа бир ҳолат мавжуд. Тоғам уша 1936 йилда хоинлик қилган деб стеллардан ҳам кечмаганлар. Уша дўстлари етмишчи йилларнинг охирида вафот этди. Тоғам шунга қадаб ҳам у билан яқин алоқада эдилар. Мен у кишини билар эдим. Лекин тоғам бирон марта бўлсин «шу оғаним аблаҳлик қилган» демаганлар. У одамнинг хоинлигини мен 1949 йилги қамоқ хужжатлари билан билганман. Тоғам 1949 йилда ўзларига қарши ёлгон гувоҳлик берганлардан ҳам нафратланмаганлар. Улар ҳақида ёмон сўзлар айтмаганлар. Фақат бир шўр ҳақида «бечора жуда шўрқоқ-да, кўрканидан менга қарши тухмат қилган» деб қулган эдилар. Бу қадаб кечирилми бўлиш учун одамда на қадар улуг қалб бўлиши керак экан?

### ТИЛ БИЛИШ — ДАВЛАТ

Ўзбекистон ҳамда Германия давлатлари ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар жуда чуқур илдиш отганилини яхши билимиз. Тарихқа назар солинса, асримизнинг 20-йилларида немис ўлкасида тахсил олган жаҳидлар, ундан аввалги асрларда гарбий халқларнинг юртимизга бўлган иштиги бундан далоят беради.

Ўзбекистон - Германия маданий алоқалари мамлакатимиз мустақилликка эришгач, шу йилнинг апрель ойида эса икки давлат ўртасида махсус битим имзолангач, янада юқори поғонага кўтарилди. Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан журналистлар иштирокатида ташкил этилган матбуот конференциясида айнан шу ҳақда гап борди. Маълум бўлишича, Ўзбекистонда махсус «азалий дўст» мамлакатининг тил ўргатиш, мусиқа, театршунослик, китобоварлик, спорт, амалий саябат охталари бўйича юзга яқин тузилмалар ишлаётди. Улар орасида дунёга машҳур Гёте-институтини, хоржий мактаблар таълимоти Марказини, Академик алоқаларнинг Германия идорасини (ААГИ) каби институционал тузилмалар ишлаб турибди.

ААГИ хулудий маърузачисни Кристиане Шлоттманнинг айтишига қараганда, сўнгги тўрт йил мубайнида мамлакатимизда немис тили мутахассислиги бўйича тахсил олаётган қарийб 80 нафар ёшлар «Умид» жамғармаси билан бирга янада тузилган дастурга биноян Германияда бўлиб қайтишди. Шунингдек, ААГИ томонидан мамлакатимизда немис тилини чуқур ўрганган мактаб ўқувчилари учун махсус ўқитивчилар ҳам ажратилаётди. К.Шлоттман хонининг эътирофи, хозирча бу рағбатландирув маблағига 2 нафар юртдошимиз мусасар бўлишди.

**НАЛИМОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

### Машиқзамин дарғалари

Жаҳон тарихида шундай сиймолар бўлади, уларнинг номи тилга олмасдан оламнинг моддий ва маънавий дунёси тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Ана шундай сиймолар қаторига ҳақли равишда Низом улмулк қўймоқ керак (кейинги манбаларда Низомулмулк).

Тулқ номи Абу Али Хасан ибн Али Тусий 1017 (кейинги маълумотларга қўра 1018) йили Туснинг Родкон вилоятидаги Навгон қишлоғида сарой хизматчиси оиласида тавалуд топи. У бошланғич тахсилни шу ерда олди, кейин Нишопур ва Марвада ўқиб, ювга етган, Балхва бориб, Али ибн Шодон хизматига ўтди. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир (элчи) бўлади. 1063 йилдан сўнг Алп Арслон (Салжуклар давлати шоҳи) саройида вазирилик даражасига кўтарилди ва «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан шўхрат қозонди. Вазирилик даврида (1063-1072 й) у қарийб давлатнинг бутун ишларини ўзи олиб боради.

1072 йили Алпарслон ўлдирилгандан сўнг Низомулмулк унинг ўғли, 17 ёшида тахтга ўтирган Малиқшоҳ саройида (1072-1092 й) вазирилик қилиб, бу шохнинг давлатига ҳам катта мадад бериб, мулкни яхши бошқаради. Малиқшоҳ уни ўз хомийси - Отабек деб атаган.

Малиқшоҳ Салжукий подшоҳини даврида саройининг доминидамд ва алломуларига давлату мулкни бошқариш конун-қоидалари, тартиботи ва усуллари тўғрисида бир китоб ёзиб, тақдим этишни буоради.

1091 йили Низомулмулк ёган 39 боё (фаслда) иборат «Сийёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» («Подшоҳлар турмуши») номида рисола шоҳга маълум бўлади. Шунини айтиш кераки, ижодий беллашувда бир қанча бошқа муаллифлар ҳам ижод этишди. Хозирги тил билан айтганда рақобатда Низомулмулк голиб деб топилар

### НИЗОМУЛМУЛК

ишлари, солиқ ва хирож, закот ва вақф, икътә масалалари алоҳида ўринни эгаллайди.

Масалан, китобнинг 1-фаслида «давлатни идора қилиш талабларидан яна бири бу четдан қориз қазиб сув келтириш, қишлоғу далалар ободонлиги учун қатталари қазиб, қалъалар қуриш, шаҳарлар бино этиш зәбо бинолару кенг қўчалар, работлар қуриришидир». 3-фаслда жуда ажойиб бир тақлиф қилинади. Зулм қўрган кишилар қизил кийим кийсин, бошқа ҳеч ким бундай рангидга кийим киймасин, токи подшо узун даражасини осонлик билан аниқлаб олиш имконига эга бўлади, халқ ҳол-ахволи ҳақидаги буюма гаплардан холи бўлиш имкони туғилади.

4-фаслда солиқ (закот)чилар масаласи кўтарилган, улар халқ билан яхши яшаб, яхши муомалада бўлиб ундан хирождан бошқа солиқ талаб қилмаслик йўли-йўрини кўрсатади.

Улар хирожини ҳам шундай йўл билан талаб қилинарки, одамларга зиён ет-

### ҚЎРҚУВ САБАБ БЎЛГАН

Оттавадаги Гринфил Лабдоратор деган қасалхонага 43 ёшлик бир аёл келди. Унинг умумий саломатлиги жуда яхши бўлиб ўзи беш боланинг онаси эди. Операция ҳам жуда енгил ва мулақо хавфсиз эди.

Аммо аёлнинг ҳаддан ташқари қучиётганини кўрган врачлар умумий енгил нарқоз қилишди.

Операция жуда енгил ўтди. Аёл шу заҳотиёи ўғонди. Унинг ахволи жуда яхши эдию, аммо ни-мадан қурқиб қарга дағ-дағ титраб, қулаери ола-қула бўлиб кетган эди.

Бир соатдан кейин унинг жони зутилди. Тўсатдан қон босими икки бараварга пайсаиб, ҳушидан кетиб қолди. Врачлар ҳар-чанд уринишмасин, уни олиб қилишнинг иложи бўлмади.

Уликни ёриб қуриш шунини қўрсатдики, бирдан зуриқкидан буайрак усти беэидан қон оқиб турар эди. Бунга унинг жисмоний ва асабий жиҳатдан жуда қаттиқ зуриққилиги сабаб бўлганди.

Суриштириб билинса, аёл 6 йашир вақтида фол ошинган, болани унга 43 ёшида Уласан деган экан. Бу гап иримини аёл асиде бўлган. 43 йилда операцияга эҳтиёж сезгани ҳамона, эсқонаси чикиб, «энди тамою бўлдим!» деб ўйлаган.

Мана шу қўрқувдан унинг асабига зур келган. Асабий зуриқкиш асаулимга сабаб бўлган.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

Касба ўқитимлари ва икътәсоиет-56-82-79.  
Азборот на спорт-56-87-63. Матанлар на маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар на муҳбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тизорат на ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ  
Жиззакда - 3-83-01, Наманганда - 6-27-10  
Самарқанда - 35-64-24, Ферғанада - 22-58-43,  
Сурхонда - 6-93-49, Қашғарда - 5-33-71.

Бош муҳаррир:  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36  
Бош муҳаррир уринбосари-56-52-89  
Масъул котиб -56-52-78

Касба ўқитимлари ва икътәсоиет-56-82-79.  
Азборот на спорт-56-87-63. Матанлар на маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар на муҳбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тизорат на ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ  
Жиззакда - 3-83-01, Наманганда - 6-27-10  
Самарқанда - 35-64-24, Ферғанада - 22-58-43,  
Сурхонда - 6-93-49, Қашғарда - 5-33-71.

Тўшкен шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Привл Восток») кўчаси, 24-уй.  
Нашр қурсатқичи; 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома сўзишларида, Ойбек усулида босилган. Ўқини А.А. Қўзғин 2 боёма табак.

Бўйи 1994 йил 21 мартов тақриб босилган.  
Сотувида эркин нархда.  
Миллийлик 700165.

«Шарқ» наشريёт-матбаа концерни  
Босмаҳонаси.  
Қорхона манзили:  
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.